Ушбу сонда:
2 ОБРЎ-ЭЪТИБОР осмондан тушмайди
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан ЕРҚЎРҒОН ТАҚДИРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 25 октябр, сешанба № 173 (2014)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## КИЧИК ҲАЖМЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Япония ҳукуматининг беғараз кўмаги йўналишида Фарғона шаҳрида кичкинтойлар уйи ва мазкур вилоятнинг Риштон туманида "Калайнав" ёшлар маҳалласи очилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун япон ҳукумати тўқсон олти минг АҚШ доллари ажратди. Бу маблағга мактаб мебели, спорт анжомлари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар олинди.

Тантанали маросимда сўзлаган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юичи Кусумотонинг айтишича, Япония бундан буён ҳам кичик ҳажмдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун беғараз кўмак беришда давом этаверади.

Таъкидлаш керакки, кейинги икки йил ичида Япония ҳукумати умумтаълим мактабларига, тиббий муассасаларга ҳамда нодавлат нотижорат уюшмалар фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар учун икки миллион доллар ажратди.

**"Туркистон-пресс"**



*Менинг аскар болам, ҳимоячим!*

## РАМАЗОН ТУҲФАСИ

***Қўнғирот тумани марказидаги 3-маҳаллада яшовчи юз ёшни қаршилаган Нағима ая Кутебоева бугунги кунда етмишдан зиёд невара, чевара ва эваранинг суюкли бувижониси бўлибгина қолмай, маҳалладаги аёлларнинг мўътабар маслаҳатгўйи ҳамдир.***

«Наврўз» овули фуқароси 101 ёшли Ҳафиза момо Ўтемуратованинг ҳам ўрни тўй-ҳашамларнинг тўрида. «Қариси бор уйнинг париси бор» деганларидек, овулда ёшу қари у билан бамаслаҳат иш кўради.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан икки аср билан юзлашган бу табаррук онахонлардан хабар олиниб, муборак Рамазон тухфалари топширилди.

**(ЎзА)**

*Ўз касбининг фидойилари*

## ҲИСОРОЛДИ БУРҒУЛАШ МАЙДОНИДА

***“Шўртаннефтгаз” мажмуаси ва Шўртан нефт-газ конлари шуъба корхонасининг иқтисодий салоҳияти кучайиб бормоқда. Замин қаъридаги бойликларни қазиб чиқариб, конлар қувватини оширишда Ғузор туманида жойлашган Ҳисоролди нефт ва газ қидирув экспедицияси катта ҳисса қўшиб келмоқда.***

Бурғулаш майдонида туну кун ҳаёт қайнайди. Замонавий ускуналарни бошқариш катта билим ва тажриба талаб этади. Пармаловчи Абдулла Ҳасанов бу мураккаб ишнинг ҳадисини олган фидойилардан.

– Жамоада ишлаётганимга 30 йилдан ошиб кетди, – дейди Абдулла ака биз билан суҳбатда. – Ўтган даврда ўнлаб конларни ишга туширдик. Кўплаб шогирдлар тайёрлаб, уларга бурғучилик касбини ўргатдим.

Мамлакатимиз ер ости бойликларини она юрт қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилдиришга муносиб улуш қўшаётган Абдулла ака ҳамкасблари бош геолог Гулмурод Мавлонов, дизелчи Шоҳли Тиловов, катта уста Норбўта Шоймуродов, пармаловчи Баҳриддин Бобоқуловлар билан биргаликда янгидан-янги конлар излаб топиш йўлида ҳақиқий жасорат кўрсатмоқда. Чўлнинг оғир табиий шароитида, қиш қаҳратони, ёз жазирамаси, баҳор ва куз инжиқликларини енгиб, меҳнат қилиш осон эмас, албатта. Корхона бошлиғи Қобулжон Тўхтаевнинг касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб бораётганлиги боис ходимларга етарли шарт-шароитлар яратилган.

Бурғулаш майдонларида вагон уйчалар шинам қилиб безатилган. Радио, телевизор бор. Газета-журналларнинг янги сонлари келтириб турилади. Режа топшириқларини ортиғи билан адо этган илғорлар рағбатлантириб борилади. Жамоада вужудга келган соғлом муҳит, меҳнат кўтаринкилиги туфайли қувончли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Экспедициянинг икки нафар ишчиси Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Заминимизнинг ҳар қаричи битмас туганмас хазина. Юртимиз мустақилликка эришганидан бери ўтган йиллар давомида 80 та пармалаш қудуқларида газ ва нефт захираларини излаш бўйича кенг кўламли юмушлар олиб борилаяпти. "Шимолий Ғузор", "Янги Қизилча" газ ва конденцат, "Қумчуқ" ва "Феруза" конларида кўп миқдордаги нефт захиралари топилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида "Шимолий-Шўртан-10" майдонида янги қудуқ ишга туширилади. Бу масъулиятли вазифани адо этишда бош муҳандис Турсунали Муллажонов, геологлар Мирзоҳид Худойбердиев, Рустам Тўраев, қоришма ишлари муҳандиси Баҳодир Товошаров, майдон бошлиғи Фарҳод Нагимов, пармалаш усталари Исо Исанов ва Рустам Нуритдиновларнинг хизматлари катта бўлди.

Айни пайтда қудуқни тўла қувват билан ишлатиш, маҳсулдор қатламларни аниқлаш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Бунда дизелчилар Қурбонмурод Ғуччиев, Ўнгбой Розиев, Элмурод Очилов, пармаловчилар Зиёқул Муҳаммадиев, Хўжам Тўраев, чилангар уста Қудрат Умиров, пайвандловчи Азамат Йўлдошев ва лаборант Акрам Янгибоевларнинг хизматлари беқиёс.

Экспедицияда 500 га яқин ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги малакали ва тажрибали мутахассислардир. Мавжуд 8 та пармалаш бригадасида 256 нафар ишчи вахта усулда кечаю кундуз астойдил тер тўкяпти. Шуъба корхонасидаги 3 та пармалаш дастгоҳи Хитой технологияси асосида ўрнатилган. Мутахассислар ва пармалаш цехларининг ишчиларидан 7 нафари Хитойда малака ошириб келди. Янги технологиялар дадил қўлланилмоқда. Йил бошидан бери ўнга яқин ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги иш самарадорлигини ошириш имкониятини яратди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ходимлар учун қулай шароит яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий аҳамият бермоқда. 467 нафар касаба уюшма аъзоларининг болалари Шаҳрисабздаги "Беруний" оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Ходимларга Қарши шаҳридаги "Геолог" соғломлаштириш марказида дам олишлари ва даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Нишон ва Ғузор чўлларида бўлсангиз, олисда бурғуловчиларнинг улкан миноралари кўзга ташланади. Замин бағрида пинҳон ётган она ер бойликларини қидириб топиш учун пармаловчилар асло тиним билишмайди. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли янгидан-янги нефт ва газ булоқлари кўз очмоқда.

**И.ТИЛЛАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ибрат*

## ҲАР ТУМАНДА уста-шогирд мактаби

***Хоразмда миллий ҳунармандчилик соҳасида ўзига хос мактаб яратилган. Хива, Хонқа ва Урганч шаҳарларида бунёд этилган осори атиқалар минг йиллар ўтса-да, аҳли-оламни ром этаяпти. Зардўзлик, кулолчилик ва заргарлик борасида ҳам бу ерда катта тажриба тўпланган. Бироқ ота-боболардан мерос бўлиб келаётган касб бир пайтлар асоссиз равишда ривожлантирилмади, унга эскилик сарқити сифатида қаралди.***

Эндиликда бошқа соҳалар сингари ҳунармандчиликка диққат-эътиборнинг кучайтирилгани жойларда унинг кўламини кенгайтиришга имкон бераётир. Қўчқор ота Қурбонбоев Шовот туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида узоқ йиллар раҳбарлик қилган. Агросаноат мажмуини ривожлантириб, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва янги ишчи ўринлар яратиш ҳадисини олган инсонлар сирасидан. Бир неча йилдирки, нафақага чиқиб, кексалик гаштини сурмоқда.

Қўчқор ота дастлаб ўзи фаолият кўрсатган далаларни кезиб, ҳамкасблари ва шогирдларига тажрибаларидан ўргатди, долзарб палладa уларга мадад бериб юрди. Бироқ, қалб жўшқинлиги унга тинчлик бермасди. Юрак дардини шогирдларига тўкиб, маслаҳат солди. Чўрткесар инсон беҳудага куйинмаётганлигини англаган ширкат раҳбари тасарруфидан жой ажратиб, тикиш-бичиш цехлари ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун имконият яратиб берди.

Дастлаб мўъжазгина цех қурилиб, зарур дастгоҳлар келтирилди. Қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган ишчилар, ишсиз юрган йигит-қизлар жалб этилиб, ҳунар сирлари ўргатилди. Уста-шогирдлик анъаналари қайта тикланди. Касб маҳоратини оширган ёшлар аста-секин аҳоли талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлашди. Муҳими, бу ерда тайёрланган кийимлар ўзининг бежиримлиги ҳамда арзонлиги билан туман ва вилоят аҳолисига маъқул келаётир.

Уч йил аввал "Дўстлик" ширкат хўжалиги таркибида иш бошлаган миллий ҳунармандчилик мактабининг эндиликда фаолияти янада кенгайган. Аниқроғи, ҳозирда у Шовот, Гурлан, Қўшкўпир ва Янгибозор каби туманлардаги кўплаб ёшларни атрофига жамлади.

Тўғри, мурожаат этаётган ёшларни, айниқса уй бекаларини бир вақтнинг ўзида ҳам ҳунарли қилиш, ҳам иш билан таъминлашнинг имкони йўқ. Бунинг учун анчагина маблағ ҳамда доимий иш жойи бўлиши керак. Бироқ, Қўчқор ота бунинг ҳам имконини топди. Тасарруфидаги туман мутасаддилари билан ҳамкорликда ўша жойнинг ўзидан ташландиқ бинолар ажратилиб, тартибга келтирилди ва мослаштирилди. Шунингдек, хонадонларда уста-шогирдлик анъаналари жонлантирилиб, уйда ўтириб ишлашга шароитлар яратилаётир.

- Миллий ҳунармандчилигимизнинг кўлами кенг, уни ривожлантириш учун ёшлар, ўғил-қизларни жалб этиб, ҳар бир туманда алоҳида уста-шогирд мактабини очганмиз, - дейди туманлараро миллий ҳунармандчилик уюшмаси раҳбари Қ. Курбонбоев. - Ёшларни касб-корга қизиқтириш, улар маҳоратларини ошириш мақсадида алоҳида стипендиялар ташкил этганмиз. Ҳозиргача ҳар ойда 14 та шогирд ва олти нафар касб усталари ана шу имтиёздан баҳраманд бўлиб келишаётир. Дурадгорлик ва темирчиликда тажриба орттирган ёш усталаримизнинг қўлида сайқал топган маҳсулотлар кўргазмалари ҳам уюштирилаяпти. Энг сифатли ва юқори совринларга сазовор бўлган маҳсулотлар эгаси қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирланишмоқда.

Айни пайтда уюшма туманлардаги меҳнат биржаси ва хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, янги ишчи ўринлари барпо этишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ тўртта туманда жами 250 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, хонадонларда таркиб топган ҳунармандчиликка ҳам 700 нафардан зиёд хотин-қиз жалб этилди.

Бозор иқтисоди шароитида ўзини ўзи бошқариш ва маблағ билан таъминлаб, фаолиятини кенгайтириш масаласи ҳам уюшманинг асосий мақсадларидан. Ана шу ишни шакллантиришда, айниқса, ҳукуматимизнинг ҳунармандчиликни уч йилгача барча солиқ турларидан озод қилишга йўналтирилган қарори асқотмоқда. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан тушган даромаднинг бир қисми соҳаларни ривожлантириш ва янги ишчи ўринларни тайёрлашга йўналтирилаётган бўлса, қолгани илғор ҳунармандларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

***Қабул пунктларига 323 минг тонна хомашё етказиб берган фарғоналик миришкорлар давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.***

Ўтган йиллар билан таққослаганда, бу йил вилоятда ҳосилдорлик етти центнерга ошди. Мутахассислар буни ижобий ўзгариш сифатида баҳоламоқда. Ёзёвон, Учкўприк, Олтиариқ, Қува тумани деҳқонлари 30-32 центнердан хирмон кўтариб, вилоят хирмонига муносиб улуш қўшди. Етиштирилган хомашёнинг 81 фоизи юқори сортларга сотилди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълумот беришларича, вилоятда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда 2 минг 715 километрдан ортиқ зовур ва магистрал каналлар тозаланди. 90 минг гектар майдоннинг шўри ювилди. 115 минг гектардан зиёд майдонда вилоят иқлими шароитига мос «С-6524», «Наманган-77», «Тошкент-6» каби ғўза навлари парваришланди. Шунингдек, «Денов», «Бухоро-102», «Андижон-35» навлари синовдан ўтказилди.

- Натижа кўп жиҳатдан уруғлик танлашга боғлиқ,- дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлоқ туманидаги «Мамажон-Қаҳрамон» фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Мамажонов. - Иқлим шароитимизга мос истиқболли навлар экилгани, агротехник тадбирлар ўз вақтида олиб борилгани боис мана, натижалар ҳам қувонарли бўлмоқда. Биргина фермер хўжалигимизнинг ўзида айни кунларда ҳосилдорлик 45 центнердан ошиб кетди.

Дарҳақиқат, вилоят бўйича етиштирилган ҳосилнинг 65 фоизи фермерлар улушига тўғри келмоқда. 5 минг 710 фермер хўжалигининг тўрт мингдан зиёди шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалади. Тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган Ёзёвон тумани пахтакорлари эса шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоят бўйича олинадиган даромад 101 миллиард 388 миллион сўмни, соф фойда 18 миллиард 224 миллион сўмни, рентабеллик даражаси эса 22 фоизни ташкил этмоқда.

**(ЎзА)**

*Шарҳловчи минбари*

## ЛЕХ КАЧИНСКИЙ - ПОЛЬШАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Польшада президент сайловининг иккинчи босқичи якунланди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига кўра, унда «Қонун ва адолат» партиясидан номзоди кўрсатилган Варшава шаҳри мэри Лех Качинский 54,04 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонган. Унинг рақиби - «Фуқаролик дастури» партиясидан номзод Дональд Тускка 45,96 фоиз сайловчи хайрихоҳлик билдирган.

9 сентябр куни президент сайловининг биринчи босқичида иштирок этган номзодлардан биронтаси ҳам 50 фоиздан кўп овоз тўплай олмаганди. Шундан сўнг асосий икки номзод ўртасида яна бир босқич ўтказишга қарор қилинди. Ўшанда кузатувчилар номзодларнинг етарли овоз тўплай олмаганини аҳолининг фаоллик кўрсатмагани билан изоҳлаган эди. Таъкидлаш жоизки, бу сафар ҳам сайловчилар фаоллиги унчалик сезилмади.

Сиёсий тадбир маҳаллий вақт билан кеч соат саккизга қадар давом этди. Орадан кўп ўтмай, мамлакатдаги «Полония» ижтимоий маркази ўтказган ижтимоий сўров натижасига кўра, Л.Качинский 53,52 фоиз, Д.Туск эса 46,48 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлгани ҳақида дастлабки тахминий маълумот тарқатилди.

Д.Туск мағлубиятни расман тан олди. Шундан сўнг Л.Качинский «Қонун ва адолат» ҳамда «Фуқаролик дастури» партиялари ўртасида тузилажак коалицион ҳукуматни шакллантириш борасида Д.Туск билан маслаҳатлашиш нияти борлигини билдирди. Маълумотларга кўра, Л.Качинский Д.Тускка Сейм раҳбари лавозимини таклиф қилган.

Варшава университетининг юридик факультетида таҳсил олган Лех Качинский 1989 йили парламентнинг юқори палатаси - Сенат аъзоси бўлган. Орада сиёсатдан бироз узоқлашиб, ўқитувчилик билан шуғулланган. 2000 йилда адлия вазири бўлган. 2002 йилдан буён Варшава шаҳри мэри лавозимида фаолият юритиб келади.

Польша қонунларига кўра, президент беш йил давомида мамлакатга раҳбарлик қилади. Амалдаги давлат раҳбари Александер Квасьневский 23 декабр куни бу лавозимни расман тарк этади.

**(ЎзА)**

*Йиллар мазмуни*

## МАРВАРИД ТОМЧИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Оролбўйида об-ҳаёт ресурсларини тақсимлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва янги иншоотлар қуриш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Она табиатнинг ноёб мўъжизаси ҳисобланган сувнинг қадрини Қорақалпоғистонда яхши билишади. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва хорижий ташкилотлар томонидан ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга татбиқ этилаяпти.

Чимбой республика марказидан олисда жойлашган. Туманнинг «Қуют-1», «Қуют-2», «Қорлибой» ва «Такжоп» овуллари марказдан бир неча чақирим узоқликда. Яқинда овул аҳолисининг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Чўлдаги аҳоли яшаш масканларига тоза ичимлик суви келди. Хайрли ишни амалга ошириш учун Осиё Ривожланиш банкининг 29 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи сарфланиб, янги қувурлар тортилди.

– Овулимизга ичимлик суви келишини орзиқиб кутган эдик, – дейди меҳнат фахрийси П.Сейтназаров. – Ҳукуматимиз ва халқаро ташкилотнинг ёрдамида ниятимизга етдик. Туямўйин иншоотига уланган қувурлар орқали хонадонларимизда зилол сув оқа бошлади.

– Юқори сифатли сув инсон саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти, – дея суҳбатни давом эттирди фуқаролар йиғини раиси Қ.Абирайимов. – Инсонпарварлик дастурига мувофиқ аҳолига яна бир қулайлик яратилганидан бениҳоя мамнунмиз.

«Туямўйин» сув тақсимлаш бошқармаси Чимбой туман бўлими бошлиғи Қ.Шомуратовнинг таъкидлашича, Президентимизнинг яқинда қабул қилган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш турларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва коммунал тўловларни вақтида ундириш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, иситиш тармоқларини қишки мавсумга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди.

«Қорақалпоққишлоқсувтаъминоти» бошқармаси Фармон талабларидан келиб чиқиб, қувурлар ва иншоотларни таъмирлаш, корхоналар иқтисодий қувватини ошириш ва қишки иситиш мавсумига ҳозирлик кўриш юмушларини аниқ режа асосида олиб бораяпти. Ҳудудда 15 та сув сақлаш ва тарқатиш бўлимлари, юздан ортиқ насос станциялари, 65 та тармоқлараро иншоотлар ва сувни тозалайдиган 250 та ЭКОС ускуналари ишлаб турибди. Мавжуд 2560 километрли қувурлар орқали шаҳар ва туман марказлари қишлоқ ва овуллар, корхона, ташкилот ва муассасаларга ичимлик суви етказиб берилаяпти. Умумий узунлиги минг километрли Туямўйин-Нукус ҳудудий сув узатиш иншооти хизматидан Қорақалпоғистон аҳолисининг 47 фоизи баҳраманд бўлаяпти.

Бошқарма жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли об-ҳаётни истеъмолга яроқли ҳолатга келтириш учун барча жараёнлар аниқ амалга оширилаяпти. Аввало сув хлор аралашмаси билан қўшиб тозаланади. Қувурларни лойқа ва чиқиндилардан халос қилиш учун маълум босимда сув юборилади. Иккита марказий лабораторияда зарур моддалар билан тўйинтирилган сув таркиби пухта текширилиб, кейин истеъмолчиларга узатилади.

Бироқ, мавжуд қувурлар эскирганлиги туфайли керакли босимда сув узатиш имконияти бўлмаётганлиги, об-ҳаётнинг кейинги нуқтадаги истеъмолчиларга етиб бормаётганлиги ёки кўп қаватли уйларга тўлиқ чиқмаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шу боис, «USAID» агентлиги томонидан қўшимча маблағ ажратилиб, 295 километр масофага етадиган полиэтилен қувурлар келтирилди. Сув тармоқларининг 105 километри мукаммал таъмирланди. Қўрилган тадбирлар натижасида ичимлик сув таъминоти бир мунча яхшиланди.

Бундан икки йил муқаддам Эроннинг «Аско» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ 110 километрли қувурлар ётқизилиб, 16 та аҳоли яшаш жойларига сифатли ичимлик суви олиб борилди. Чимбой туманининг «Кўксув», «Майяб», Мўйноқнинг «Мадели», Кегайлининг «Эркиндарё», «Аспантой» овулларига об-ҳаётни тозалайдиган 5 та «ЭКОС-50» ускуналари ўрнатилди.

Айни пайтда Кегайлидаги «Агедли», «Шуит», «Салтир», «Қипчоқ», Чимбой туманининг «Қошқарникин», «Бўзатов» ва «Қонликўл», «Қораўзак», Хўжайлидаги марказдан узоқда жойлашган овулларга ширин сув чиқарадиган қудуқлар қазилиб, қувурлар янгиланаяпти.

Шунга қарамасдан иссиқлик ва ичимлик сув исрофгарчилигини камайтириш, уй фондини ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, коммунал тўловларнинг тўлиқ ва вақтида ундирилиши устидан назорат таъминланмаяпти.

Инсон соғлиги кўп жиҳатдан у истеъмол қиладиган, фойдаланадиган сувнинг тозалигига ҳам боғлиқ. Шундай экан, табиат туҳфа этган ҳар бир киши учун азиз ва қадрли ҳисобланган об-ҳаётдан тежаб фойдаланиш, унинг беҳуда оқиши, исроф бўлишига йўл қўймаслик лозим.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

***Вилоят деҳқонларининг бугунги қувончини, ҳис-ҳаяжонини дилдан туярканмиз, давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган нутқидаги қуйидаги сатрлар ёдга келади. «Кейинги йилларда вилоят ҳаётида рўй бераётган оқсоқлик авваламбор одамларнинг нафсониятига, ғururига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ғурур-ифтихор деган нарса бир йилда пайдо бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт тинимсиз меҳнат қилиш, керак бўлса, жон фидо этиш зарур... Бу иш бизнинг қўлимиздан келади. Фақат одамларни уйғотиш керак, уларнинг ишончини қозониш керак».***

# ОБРЎ-ЭЪТИБОР
## осмондан тушмайди

Бу сатрлар кўпчиликни ўйлашга, тегишли хулосалар чиқаришга ундади. Барча ерда 2005 йилни муваффақиятли якунлаш, бошқа соҳалар қатори пахтачиликда ҳам туб бурилишга эришиш чора-тадбирлари белгиланди. Тўғри айтишади, одамларнинг ишини ташкил қилиб берсанг, улар ўз меҳнатидан мамнун ва рози бўлса, меҳнатига қараб ҳақини олса, эртанги кунини аниқ ва равшан тасаввур қилса бундай инсонлар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳар қанча фидойилик кўрсатиши мумкин.

Ҳа, ҳамма гап меҳнатчиларнинг бошини қовуштириш, кўнглини, руҳини кўтариш, сафарбарликка чорлайдиган етакчиларнинг ташаббуси керак эди. Бу йилги мавсумда ана шу оддий ҳақиқат замирида қанчалар чуқур маъно борлигини ҳис қилдик. Фидокор деҳқонларимиз вақт билан ҳисоблашмай ишладилар. Чигит экишдан тортиб то ҳосил саранжомлаб олингунига қадар дала кишиси тиним билмади. Йиғим-терим зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Қувончлиси шуки, ўта муҳим ишда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг ҳам озми кўпми ҳиссаси бор.

Мавсум мобайнида йиғим-терим иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий-маиший тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш, теримчи ўз ҳақини вақтида олиши учун жонбозлик кўрсатиш ва албатта илғорларни рағбатлантириш диққат марказида бўлди. Дала шийпонларида, маданият муассасаларида концертлар уюштириб, ишчиларга руҳ ва мадад бағишланди. Ўз меҳнатининг самарасини, қувончини кўриш ҳар кимга кўтаринки кайфият бахш этади. Пахта мўл бўлди, шу боис деҳқон чўнтаги пул кўрди. Бир оила бир ҳафтада 200 минг сўм ва ундан ошириб даромад қилганини кўриб заршунослар қувончига шерик бўлдик.

Вилоят касаба уюшмалари белгиланган тадбир асосида ҳаракат қилиб, 6 миллион сўмдан ортиқ мавсумбоп жиҳозлар ҳадя этдилар. Бундан ташқари, вилоят кенгаши ва унинг тузилмалари 28714,35 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатдилар. Таъкидланганидек, буларнинг ҳаммаси йиғим-теримда суръат ва сифатни таъминлашга хизмат қилди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди: Тошкент вилояти пахтакорлари ҳам ғалаба маррасини эгалладилар. Меҳнат ютуғига кўпнинг саъй-ҳаракати, республикамиз ҳукумати, Президентимизнинг қишлоқ кишиларига кўрсатган ва кўрсатаётган беқиёс меҳрибонлиги шарофати ила эришилди.

Фермерлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Чинозлик «Муқимий» фермер хўжалиги аъзолари шартномада белгиланган 193,3 тонна ўрнига 432,7 тонна сифатли пахта топширдилар. Бундайларнинг шахсий ибрати, бой тажрибаси кўпчилик мулкига айланди.

Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалиги ҳам мавсумни қувончли натижалар билан якунлади. Ҳал қилувчи дамларда Очахон Аҳмедова, Умринисо Мирзааҳмедова, Зуҳра Содиқова, Назокат Икромова каби дала дарғалари кунига 200 килограммгача дур йиғиштиришди. Ҳа, ҳазрати деҳқонни ҳар қанча эъзозласак, меҳнат қилишни, касбга садоқатни ундан ўргансак арзийди.



**М.ТЎЛАГАНОВА,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси**

# «БИЗГА БЎЛАВЕРАДИ»
## деган гап энди кетмайди

***Мустақил Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати. Барча соҳани бирдек ривожлантириш учун шароитлар мавжуд. Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Деҳқонларимиз ишлашни, тошдан дур ундиришнинг ҳадисини олишган. Мавсум мобайнида кишилардаги шижоат, ғururни ҳис қилиб ўзим ҳам илҳомландим. Биз – ўзбекларнинг бошқалардан кам жойимиз йўқ. Ҳаракат қилсак, ҳамжиҳат бўлсак жумлаи жаҳонни лол қолдирадиган ишларни рўёбга чиқарамиз.***

Бу йилги пахта мавсуми бу сўзларнинг тўғрилигини исботлади. Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида айтилган аччиқ, аммо адолатли сўзлардан барча ўзига тўғри хулоса чиқармоқда. Ўзим ҳам шогирдларим билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, пахтачиликни жадал ривожлантиришга жазм этдик. 75 гектар майдонда баракали ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим мавсумида барча имкониятни ишга солдик. Қабул пунктларига фақат юқори сифатли хомашё топширилди. 199 тонна ўрнига 230 тонна пахта сотганлигимиз ҳам кўп нарсани англатиб турибди.

Фермерларга яратилган имконият, имтиёз бизга қанот бўлмоқда. Йил сайин бойиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириб боряпмиз. Пахтачилик, ғаллачилик билан бирга чорвачиликка ҳам асос солиш ниятидамиз. Фермер бойиса, кўпга нафи тегади. Ҳалол меҳнат туфайли топилган маблағимиз ҳисобидан савобли ишларни ҳам рўёбга чиқаряпмиз. Ободончилик, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш қабиларга баҳоли қудрат ҳисса қўшаяпмиз. Муҳими, давлатга пахта топшириш шартнома режасини бажариб, юзимиз ёруғ бўлди, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланди.

**А.ШАРОПОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туманидаги «Оппоқ» фермер хўжалиги раҳбари**

## *Тошкент вилояти*

***Куни кеча Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида бўлдик. Деҳқоннинг кайфияти пахтасига қараб. Файзли қишлоқ йўлидан дала томон борарканмиз, бир вақтлардаги йиғим-терим мавсуми хаёлимизда жонланди. Ҳаммаёқда дабдабали шиорлар, баландпарвоз гап-сўзлар бўлгани билан ишнинг тайини йўқ эди. Қанча ишламасин йиллар мобайнида деҳқоннинг косаси оқармади.***

# ОППОҚ-ОЙДИН ОРЗУЛАР

Мустақиллик шарофати туфайлигина қишлоқ кишисининг ҳаёти тубдан ўзгарди. У ўз ерининг том маънода ҳақиқий хўжайинига айланди. Авваллари чигит экиш, ҳосилни қачон саранжомлаш «юқори»дан белгиланарди. Энди эса фермер эмин-эркин фаолият юритади. Даласида қандай экин парваришлаш, қўшимча соҳаларга қўл уриш ўзининг ихтиёрида. Буни мазкур хўжалик мисолида ҳам кўриш мумкин. Авваллари ҳал қилувчи дамларда ялпи сафарбарлик таъминланмаганлиги, меҳнатга рағбат кутилган даражада бўлмаганлиги боис муҳим ишда суръат ва сифат таъминланмаган. Бу йил кўпнинг кучи нималарга қодирлигини барча кўрди. Хўжалик биринчилар қаторида маррани эгаллади. Режадан ташқари 17.032 тонна хом ашё топширилди. Бу ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми?!

Манфаатдорликда гап кўп. Мавсумда ўзини кўрсатган Замон Бегалиев, Тўлқин Камолов кабилар 100 минг сўмдан мукофот пули олишди. Ана энди барча пахтакор, қандингни ур, демоқда.

**И.КАРОМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# АЗАМАТЛАР

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча йиғув ва чақирув пунктлари одамлар билан гавжум. Жойларда миллий армиямиз сафини тўлдирадиган юрт ўғлонлари сараланиб, муддатли ҳарбий хизматга кузатилмоқда.

Ватан ҳимоясига йўл олган бу йигитларимиз, ўз навбатида, Қуролли Кучларимизнинг барча қўшин, муассаса, ҳарбий қисм ва бўлинмаларида тантанали тарзда кутиб олинмоқда.

- Бу галги мавсумга анча вақтли тайёргарлик кўрдик, - дейди Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, полковник Турғун Холиқов. - Янги келган ва келаётган аскарларимиз учун ўқув марказимизда барча зарур шарт-шароит яратилди. - Улар бир ой давомида сафда ҳаракатланиш, қуроллардан фойдаланиш, жисмоний тайёргарлик ҳамда маънавий-сиёсий ва бошқа назарий-амалий машғулотларда қатнашиб, бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлади.

Шу кунгача ўқув марказимизга келган беш юз нафардан ортиқ ёш аскарга сержантлар тайёрлаш мактабларини муваффақиятли тамомлаган моҳир кичик командирлар, тажрибали ва малакали офицерлар ҳарбий хизмат сир-асрорларини ўргатмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни ота-оналари бағрига кузатиб қўйиш учун ҳам жиддий тайёргарлик кўряпмиз. Маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уйига - оиласи бағрига қайтадиган аскарларни ҳарбий қисм билан хайрлашув маросимларини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Бундай тадбирларда хизмат давомида қуролдошларига ўрнак кўрсатган ҳарбийларимизга қўмондонлик томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар, шунингдек, олий таълим муассасаларига 20 фоизли имтиёз билан ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсияномалар топширилади.

Таъкидлаш жоизки, яқинда резервга бўшатиладиган аскарлар орасида шартнома асосида хизматни давом эттириш истагини билдирганлар ҳам анчагина. Айни пайтда бу номзодларнинг сиёсий ва жанговар тайёргарлигини баҳолаш, ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ чоралар кўрилмоқда.

**(ЎзА)**

## *Ислоҳот мевалари*

***Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг Кегайли тумани деҳқонлари билан учрашиб дилдан суҳбат қурганлиги, уларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишганлиги ва берган қимматли маслаҳатлари пахтакорлар қалбида битмас-туганмас ғурур уйғотди.***

Етти минг гектар майдонда ғўза ўстирган деҳқонлар қабул пунктларига 12 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Қўлга киритилган ютуқлар замирида ҳар бир жабҳада ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш, ер, сув ресурсларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч ҳисобланган фермерлик ҳаракатига дадил йўл очиб бериш, ерга эгалик ҳисси, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш ва меҳнат қилиш каби омиллар мужассам. Ҳозирги пайтда 421 та фермер хўжаликлари ишлаб турибди.

# ИШОНЧ – ИНСОНГА ҚАНОТ

– Президентимиз алоҳида уқтирганларидек, бугун фермердан, деҳқондан нафақат экин экиш, уни парваришлаш, айни чоғда етиштирилган ҳосилни сотиш ва ундан тегишли даромад олишнинг пухта ҳисоб-китобини юритадиган даражада замонавий фикрлаш талаб этилади, – дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, «Дўстлик» ордени соҳиби Пўлат Иматов. – Турли миллат ва элат вакиллари яшайдиган туманимиз аҳли орасида эл-юрт фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган зироатчилар жуда кўп.

Бундан 7 йил муқаддам тажрибали мутахассис Ўткирбек Нуримбетов яхши ният билан «Даулет» фермер хўжалиги ташкил қилган эди. Дастлаб 80 гектарлик майдонда иш бошлаган мулкдор бугунга келиб ерларини 303 гектарга етказди. Шундан 184 гектарига ғўза ўстирилди. 500 тонналик маррадан ошган фермер хўжалигида 83 киши иш билан таъминланган. Кам даромадли, кўп болали оилалар, қариялар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ватан ва халқ олдидаги хизматлари учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

«Асқар» фермер хўжалиги раҳбари Жумамурод Султонмуродов билан кўп бор учрашганман. Пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштириб, ҳар йили 10 миллион сўмлаб даромад қилаётган қишлоқ мулкдори кам таъминланган оилалардан бир нечтасини оталиққа олган. Овулдошларининг аҳволидан хабардор бўлиб туради.

«Бахтли» фермер хўжалиги дастлаб чорвачилик билан шуғулланган эди. Жорий йилнинг баҳорида пахтачилик, пиллачилик, ғаллачилик ва боғдорчиликка ҳам қўл урилди. Фермер хўжалиги бошлиғи Худойберган Ерлепесов тажрибали деҳқон. 26 гектар майдондаги буғдойзордан 37 тонна ўрнига 39 тонна дон топширилди. Ортиқча маҳсулот хўжалик аъзоларига тарқатиб берилди. 90 гектар майдоннинг 40 гектарида ғўза ўстирилиб, 70 тонналик хирмон яратилди. Хўжаликда 30 бош қорамол боқилаяпти. 1 гектарлик мевазор боғ яшнаб турибди.

Ёши 65 дан ошиб бахтли кексалик гаштини сураётган Худойберган оға турмуш ўртоғи, иқтидорли муаллима Сорахон Сойипназарова билан катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. 7 нафар ўғли ва 2 нафар қизи олий маълумот олиб, турли касбларда меҳнат қилишаяпти. Кенжа фарзанди Назберган ота қаватига кириб фермерликни давом эттирмоқда.

Маҳсулот етиштириш кўпайиб, даромад ортаётганлиги туфайли Р.Олланиёзов, А.Сарсенбоев, Ш.Каллибеков, О.Жаримбетов, Т.Сойипназаров, Г.Турдимуродова каби фермер хўжалиги аъзолари фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Султонбой Мамбетназаров раҳбарлик қилаётган «Дали Аҳмед», Жетписбай Қолбоев бошлиқ «Қаниёз», Умар Аметов бошлиқ «Удер», Давлат Жанабоев раҳбар бўлган «Султонмурод уста» сингари фермер хўжаликлари аъзолари экин майдонлари самарадорлигини оширишга эришдилар. Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»и Б.Каримбердиев, М.Жуманазаров, Қ.Абибуллаев номли, «Дарвозақум» фермер хўжаликларига 500 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратди.

Туманда нафақат фермерчилик, балки кичик бизнес субъектлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Эндигина қирқ ёшдан ошган Аруҳон Қайипбекова турмуш ўртоғи Жўлдас оға билан ночор аҳволга тушиб қолган маиший хизмат уйини маблағлари ҳисобига тўлиқ таъмирдан чиқарган эдилар. Дастлаб бу ерда сартарошхона, тикувчилик, кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш цехлари фаолият бошлади. 30 нафар маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланди.

Банк кредити эвазига янги жиҳозлар сотиб олинди. Айни пайтда туманнинг «Жалпак жап», «Абад Аул», «Қозон кетган» овулларида масъулияти чекланган жамиятнинг аҳолига хизмат кўрсатишнинг 14 тури бўйича 45 та шохобчаси ишлаб турибди. Корхона қошида енгил автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш, пахта титиш, нон ва нон маҳсулотлари, мебел тайёрлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда юздан ортиқ маҳаллий ёшлар фойдали меҳнат билан машғул.

Биргина «Жанабозор» фуқаролар йиғини ҳудудда гилам тўқиш ва тикув цехи очилиб, 20 нафар қиз иш билан таъминланди, 22 тадбиркор аёлниг ҳар бирига 250 минг сўмдан кредит берилди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтишмаган. Халқобод қўрғонида 152 миллион 890 минг сўм маблағ сарфланиб болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда мингга яқин ўғил-қиз спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланаяпти. Туман марказида лойиҳа қиймати 65 миллион сўмлик болалар спорт мажмуаси қурилиб, битказилди. Шартнома баҳоси 2 миллиард 700 миллион сўмлик маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қурилиши қизғин давом этмоқда. 2,7 километр газ, 2 километр сув тармоқлари тортилиб, 500 дан ортиқ оиланинг яшаш шароитлари яхшиланди.

Белгиланган дастурга мувофиқ 3 та мактаб қурилиб, 15 та илм маскани мукаммал таъмирланаяпти. 15 та овул врачлик пунктлари хизматидан аҳоли мамнун. Айниқса, Индира Қалбаева бош шифокорлик қилаёган «Мийуазар» овул врачлик масканида даволанувчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Туман спорт ишлари ва маданият бўлимига қарашли «Жайҳун» фольклор этнографик дастаси қатнашчилари Бахтиёр Пирданов ва Рита Ешбоеваларнинг ижрочилик маҳоратига томошабинлар қойил қолишган.

Тумандаги 4-мактабнинг география фани ўқитувчиси Елмурот Алламуратов яқинда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлди.

«Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган 5,5 минг тоннадан ортиқ пахта толаси Англия, Россия ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинди. Прессловчи Адинбой Дўстжонов, Емберган Телемуродов, линтерлар цехидан Аҳмад Жапақов, Абдумурод Адинов, пахта тозалаш цехидан Ҳакимниёз Бойимбетов, Расберган Атеповларнинг фидойи меҳнатлари жамоага ютуқлар келтираяпти.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# «СЕНГА ТАЛПИНАМАН, ОНА ҚИШЛОҒИМ»

***Касаба уюшмалари фаолиятида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари жамоа шартномалари орқали кафолатланади. Фуқаролар фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда рўй берадиган ислоҳотларда иштирокини кучайтириш касаба уюшмаларининг меҳнат жамоаларида нуфузини оширади.***

Ширкат хўжалиги бошқарув кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Ҳар йили 2 марта шартномада белгиланган бандларнинг бажарилиши муҳокамага қўйилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинади.

Моддий манфаатдорлик муваффақият гарови. Давлатга ғалла сотиш топшириғи ошириб бажарилди. 1200 гектар майдонда ғўза ўстирган деҳқонларимиз қабул пунктларига 3300 тонна «оқ олтин» топшириб, шартнома режасини муддатидан илгари ўринлатдилар. Пахтачиликнинг ўзидан 200 миллион сўм соф фойда олинади. Фойданинг 60 фоизи ширкат аъзоларига дивиденд тўлови учун ажратилади.

Ширкат аъзоларини рағбатлантириш одат тусига кирган. Бундай мақсадлар учун 10 миллион сўм маблағ сарфланди. Оилавий пудратчилардан Рустам Холмуродов, Амир Раҳматуллаев, Абдусамад Ғаффоров, Шуҳрат Файзиев сингари 50 кишига телевизор, гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш доимий эътиборда. Ҳозирга қадар 35 нафар касаба уюшма аъзосига имтиёзли йўлланма берилди. Мейли Абдуллаев, Жума Равшанов, Эркин Ҳамдамов, Латофат Содиқова сингари ишчилар вилоятимизнинг «Майманоқ» санаторийсида даволаниб, соғлиқларини тиклашди.

Жамоа шартномаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бош мезони. Йил бошидан бери кам таъминланган оилалар, боқувчиси йўқ ва ногирон фуқароларга хўжалик маъмурияти ва касабақўм томонидан 7 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Қўнғирот қишлоғидан 70 ёшли Шобуви Маматова, Керайит ва Шакаржўй қишлоқларида истиқомат қилувчи Эргашой Эшмаматова ва Жонгилой Бекмуродова каби 12 нафар ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб турилади. Қисқаси ҳудудимиздаги 10 та қишлоқда яшовчи 8500 нафар фуқаронинг турмуш тарзини яхшилаш, ғамхўрлик кўрсатиш асосий ишимизга айланган.

50 ўринга мўлжалланган 2 та қишлоқ врачлик маскани, 20 дан ортиқ савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. 5 та илм маскани мавжуд бўлиб, мактабларни таъмирлаш, кам даромадли оила фарзандларига дарслик ва ўқув жиҳозлари етказиб беришни зиммамизга олганмиз. Тангриқул Мирзаёров, Зебунисо номли мактабларига замонавий компьютер, Умидулло Абдуназаров, Акмал Икромов, Эшмурод Омонов номли таълим масканларига рангли телевизор олиб берилди. Улар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Мавсумий ишларни амалга ошириш жараёнида дала меҳнаткашларига шарт-шароит яратиб берилди. Неъмат Чориев, Райим Хидиров, Ҳамро Ойдинов бошлиқ ширкатларнинг дала-шийпонлари ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилган. Уларни жиҳозлаш ва ишчиларга кийим-кечак, зарур ҳимоя воситалари олиб беришга 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди

Қўмитанинг 1600 дан ортиқ аъзолари бўлиб, улар 7 та цех, ва 21 гуруҳларга бирлашган. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш, маданий ва спорт ишлари комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Маданий-маърифий, соғломлаштириш, жисмоний тарбия, спортни янада ривожлантириш, техника хавфсизлиги масалалари билан доимий шуғулланилаяпти..

Касаба уюшмаларининг асосий мақсади ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ-манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашдан иборат. Пахта йиғим-терими даврида теримчи ва ҳашарчиларга иш ҳақи ҳар 5 кунда тарқатилди. Қўшимча мукофотлар берилди. Мана фидойи меҳнат ўз самарасини берди. Деҳқон қалби қувончга тўлди.

**Абдужалил ТУРОПОВ,**
**Касби туманидаги Темур Малик номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси**

## *Меҳнат муҳофазаси*

***Таълим муассасаларидаги иш жараёни хавфсиздек туюлади. Бир қарашда шундай. Аслида эса бунда ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга ошириш зарурати ҳамиша мавжуд.***

# КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Меҳнат муҳофазасини таъминлаш туман халқ таълими бўлимлари, мактаблар раҳбарининг бурчи, буларнинг амалга оширилишини назорат қилиш касаба уюшма ташкилотларининг вазифасидир. Бу борада муайян ишлар қилинаяпти, албатта. Қатъият, изчиллик бор жойда кўзланган мақсадга эришилмоқда. Аммо озгина эътиборсизлик, ҳафсаласизлик баъзан жиддий ташвиш туғдиради. Ҳолбуки, бундай нохушликларнинг олдини олса бўлади.

Мактаблардаги ёзги жорий таъмирлаш ишларининг аҳволи билан танишар эканмиз, бир қанча мулоҳазалар пайдо бўлдики, уларни ошкора айтиш зарурати туғилди. Катта маблағ, алоҳида ташкилотчилик талаб этиладиган ишларни қўя турайлик. Озгина ҳаракат билан битадиган масалалар хусусида тўхталамиз. Пахтачи туманидаги 13-мактабнинг биноси замонавий. Жорий таъмирлаш сифатида оқлаш, бўёқлаш ишлари амалга оширилган. Лекин ўқитувчилар хонаси томидан сув ўтган ҳолича қолган. 8-синф она тили ва адабиёти хонаси эшиги синиқ, созланмаган. Эшик рахлари сифатли сувалмаган. Барча хоналарда ва бино йўлакларида, ҳатто директор хонасида электр симларининг уланган, кесилган жойлари очиқ, изоляцияланмаган. Бундай аҳволни тумандаги бошқа мактабларда ҳам кўриш мумкин. Иштихондаги 8-мактабда эса электр симлари хавфсизлик қоидаларига хилоф равишда бир хонадан иккинчисига тортилганини, иккинчи қават деразаларини бўяш учун мустаҳкамлиги ночор нарвондан фойдаланилаётганини кўрдик. Қўлтўпи майдончасидаги темирдан ясалган дарвоза ерга қозиқлар ёрдамида маҳкамланмаган. Пахтачи туманидаги 20-мактабда худди шундай дарвоза ағанаб, бир бола билан нохуш ҳодиса содир бўлди. Бу воқеа барча мактабларда (вилоят бўйича) муҳокама қилинган бўлсада, камчиликлар бартараф этилмаган. Шу тумандаги 3-мактаб қоровули З.Каримов, ўсмирлар ижодиёти уйи устаси П.Қувондиқовнинг майибланганлиги ҳам ҳанузгача кўпчиликка сабоқ бўлмаяпти. Бу ходимларга касаба уюшмаларининг аралашуви билан кейинчалик зарар пуллари ундириб берилди.

Булар билан ишлар яхши ташкил этилган мактаблар йўқ, демоқчи эмасмиз. Оқдарё, Булунғур, Тайлоқ туманларида ибрат олса арзийдиган мактаблар анчагина. Асосий нуқсон шундаки, туманлар халқ таълими бўлимлари кенгашлари, мактабларнинг педагогик кенгашларида меҳнат муҳофазаси масалалари жиддий муҳокама қилинмайди. Биз борган мактабларнинг бирортасида меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар кўрмадик. Раҳбарлар, ходимлар хавфсизлик техникасига дахлдор оддийгина нарсаларни ҳам билишмайди. Эндиликда мактабларнинг ўқув устахоналарига, ўқув лабораторияларига янги жиҳозлар, ускуналар берилмоқда. Улардан хавфсиз фойдаланиш учун эҳтиёт чораларини ҳамма билиши керак. Хуллас, бу соҳада ҳам меҳнат муҳофазасига қонун талаблари даражасида эътибор берадиган пайт келди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

***Маълумки, милоддан аввалги 329-327 йилларда македониялик Искандар Зулқарнайн қўшин тортиб келиб, юртимиз сарҳадларига дахл қилган. Бу тўғрида кўплаб тафсилотлар, талқинлар бор.***

# ЕРҚЎРҒОН ТАҚДИРИ

Шу жиҳатдан, тарихчи Музаффар Юноний қаламига мансуб «Искандарнома» (форс тилида) асари муҳим аҳамият касб этади. «Искандарнома» Мулла Мир Аъзам ибн Султон (Аъзам Тошкендий) томонидан эски ўзбек тилига (ёзувига) таржима қилиниб, Тошкентда, 1912 йил Ғулом Ҳасан Орифжонов босмахонасида (506 бет) чоп этилган. 1992 йил «Искандарнома»ни Акром Жуманов, Вали Саидов, Акбар Жумановлар ҳозирги тилимизга ағдариб чиқиб, нашриётга топширганларидан хабаримиз бор.

«Искандарнома»нинг кириш қисми 100 та достондан иборат бўлиб, ривоятлар, ҳикматлар, афсоналардан самарали фойдаланилган. Достонда милоддан аввалги IV-III асрларда Марказий Осиёдаги, жумладан, Сўғдиёнада яшаган кўпгина халқларнинг ўтмиши, қисмати, тарихи, тақдири ҳамда Искандар томонидан истило қилиниши ва унга қарши олиб борилган озодлик кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Асар жанглар тасвирида талқин этилган. Шунинг учун ҳам уни адабий, тарихий жангнома асар, деса бўлади.

Искандар қўшинлари Навтакадан (Қашқадарё) тўрт кун йўл босиб, Сўғдиёна пойтахти Мароқандага етиб боради. Курций Руфнинг маълумот беришича, шунингдек, «Искандарнома» ривоятига қараганда, юнон-македон қўшинлари Мароқандани ишғол қилишда катта қийинчиликка учрамаганлар, чунки Искандар «Сўғдиёнани аҳамонийлар зулмидан озод қилмоқчиман», деган ҳарбий ҳийла ишлатган. Пировардида, шаҳарни сулҳ-келишув йўли билан эгаллайди. «Искандарнома»да Мароқанда «Хифсу Дарбанд қалъаси» дейилиб, унинг деворларининг узунлиги 70 стадий (12-15,5 км) бўлган, қалъа эса икки қават деворлар билан ўраб олинган.

Искандар юнон-македон қўшинларидан иборат гарнизонни қолдириб, шимоли-шарққа томон босқинчилик ҳаракатларини давом эттиради. Сўғд аҳолиси бир тан-бир жон бўлиб, ҳар бир қишлоқ учун қаттиқ жанг қиладилар. Искандар Уструшонада (Ўратепа) тоғлилар, шаклар (қанғарлар) билан жангда мислсиз даражада шафқатсизлик қилган. 30 минг аҳолидан 22 мингги қириб ташланади. Асирга тушишни истамаган шакларнинг кўплари ўзларини қоядан ташлаб ҳалок бўлганлар. «Шаклардан фақат 8 минг киши қочиб қутулиб қолган. Искандар армиясидан ҳам кўплаб ҳалок бўлган ва яраланганлар бор. Камон ўқи Искандарнинг ҳам сон гўштини тешиб ўтади». Бундай маълумотлар «Искандарнома» достонларида ўз аксини топган.

Ўша вақтлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча давлатлар мавжуд бўлган, шуларнинг бири – Қанғ давлати эди. Бу македониялик Искандар ва Салавкийлар ҳукмронлигига қарши курашлар ҳамда ички қабилавий низоларнинг кескинлашуви натижасида вужудга келган давлат эди. Қанғ давлати – Ўрта Осиёда энг узоқ – милоддан олдинги III аср бошидан милодий V аср ўрталаригача сақланиб, ҳукмронлик қилиб келган сиёсий тузум ҳисобланади.

Сирдарёнинг ўрта қисмида яшовчи шаклар, жумладан, яксартлар, ассийлар, эглилар ва бошқалар сакараука қабила иттифоқига бирлашган. Шулардан абий ва ассийлар ҳеч қандай қаршиликсиз ўзлари ўзаро келишиб Искандар билан яқинлашишга ҳаракат қилганлиги ҳақидаги фикрлар «Искандарнома»да ўз аксини топган. Шунингдек, яксартлар, сўғдийлар ва бақтрийлар билан ўзаро иттифоқ тузиб, улар билан бирга юнонларга қарши курашганлиги ҳам баён этилган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги Ерқўрғон шаҳри А.Македонский (Искандар Зулқарнайн)нинг Ўрта Осиёга юришидан икки аср олдин қурилганлиги маълум. Шаҳарга асосан чорвадорлар асос солган. Кейинчалик аҳолининг муқим ўрнашиб қолганлиги сабабли кенгайган. Суғд салтанатида учта: Мароқанд (Самарқанд), Далварзинтепа (Сурхондарё) ҳамда Ерқўрғондай катта, қудратли, мустаҳкам шаҳар бўлмаган. Маълумки, эрамиздан аввалги 550 йилда аҳамонийлар сулоласи бошчилигидаги Эронийлар Ўрта Осиёда икки юз йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилганлар. Ана шу даврларни қуйи Қашқадарё воҳасидаги Ерқўрғоннинг гуллаган даври, дейишга асос бўлади. Ерқўрғон икки қатор мустаҳкам ҳимоя девори билан ўралган бўлиб, ташқи девор ичидаги ҳудуд эса 40 гектарга яқинлашган. Деворларнинг баъзи кенглиги 17 метргача бўлган: устида бемалол аравалар, одамлар юрган. Шаҳарнинг марказий қисмида ҳоким саройи, атрофида зодагонлар яшаган уйлар, шаҳар ичида кулолчилик устахоналари жойлашган.

Ерқўрғон шаҳрининг бутунлай вайрон бўлиши милоддан аввалги 329 йилда Искандар «фаолияти» билан боғлиқ. Хуллас, шаҳарнинг унумдор ерлари, гўзал табиати ва туганмас бойлиги Искандар қўлига ўтади. Аммо у Бақтрия, Сўғдиёна вилоятларини осонликча забт этаолмаган. Бунга Сўғд қабилаларининг йўлбошчиси – Спетамен бошлиқ қўзғолон мисол бўла олади. Спетамен асосан қуйи Қашқадарё (Ерқўрғон), юқори вилоятлар: Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор атрофида яшовчи Сўғд қабилаларини бирлаштириб, Искандарга қарши кураш бошлайди. Бир неча бор Искандар қўшинларини тор-мор қилади. Аммо куч етарли бўлганлиги, маҳаллий зодагонларнинг хоинлиги, устига-устак Искандарнинг ҳарбий тадбиркорлиги туфайли, Бақтрия, Сўғдиёна вилоятлари босқинчилар томонидан истило этилади. Ерқўрғон шаҳри ҳам қаттиқ курашлардан сўнг тобеликка ўтади. Аниқроғи, жойлар ёндирилади, шаҳарни сув билан таъминлайдиган каналлар ўзани бошқа томонга буриб юборилади. Натижада, аҳоли обод бўлган масканларни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Аммо археологик кузатишларнинг таҳлилича, бу ерда аҳоли XII асргача муқим яшаган.

«Искандарнома» тафсилотлар билангина чегараланиб қолмайди. Унда Искандарнинг Шарқ халқлари маданиятига юксак эҳтироми ҳамда фотиҳнинг унга қўшган ҳиссаси ишонарли тарзда баён этилган. Қарангки, бу юришлар Шарқ билан Ғарб ўртасидаги турли муносабатларнинг боғланишига юксак омил бўлди. Кейинчалик эллинизм маданияти, деб амалга оширилган турли цивилизацияларнинг ўзаро туташишидан иборат илғор маданий жараён юзага келди. Бу эса турли халқларнинг яқиндан алоқа боғлашлари ва турли робиталарнинг мунтазамлигида муҳим аҳамият касб этади.

**Юсуф МАНЗАРОВ,**
**тарих фанлари номзоди**



## РУС КОМПОЗИТОРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистонда миллий мусиқа санъатини ривожлантиришда рус композиторлари ҳам муносиб ижодий ҳиссаларини қўшдилар. Ана шундай фидойи санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Алексей Козловский эди.

Ўзининг кўп йиллик ижодий фаолиятини ўзбек диёрида ўтказган бу атоқли композитор кўплаб ёш истеъдодларга устозлик қилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида унинг раҳбарлигида иқтидорли ёш бастакорлар етишиб чиқди.

Санъаткорнинг «Улуғбек» операси, «Тановар» балети Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида саҳна юзини кўрди.

Санъаткор таваллудининг юз йиллиги республикамиз мусиқа жамоатчилиги томонидан нишонланди. Тошкентдаги Анна Ахматова номидаги музейда ўтказилган юбилей кечаси ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

## КАФТДАГИ ҚАЛБ

Тошкент мусиқали (оперетта) театри янги ижодий мавсумини бошлаб юборди. Шу ижодий жараёнда муҳлислар бир неча янги қувноқ спектакллардан баҳраманд бўладилар.

«Кафтдаги қалб» деб номланган постановка тақдим этилади. Ўзбекистон халқ артисти, эл севган санъаткор Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб тайёрланаётган бу спектакл ҳали томошабинларга манзур бўлади.

Тўғри, мазкур асар бундан бир неча йил олдин театр саҳнасида кўрсатилган, аммо у ҳали қиёмига етмаган эди.

Буни инобатга олиб спектаклни қайта постановка қилишга киришилди. Бу сафар у янги саҳна кўриниши ва мусиқа оҳанглари билан бойиб, атоқли санъаткорнинг саҳнавий образи тўла гавдаланган.

**А.АКБАРОВ**

***Дилимизда неки бор, ҳаммасини ўз она тилимизда баён этамиз. Куйласак шу тилда куйлаймиз, ғам чексак шу тилда арзу дод қиламиз. Бошқаларни яхши кўрсак, меҳримиз ва ҳурматимизни она тилимизда ифодалаймиз. Шундай экан, ўзбек тили бизга онадек қадрли, азиз...***

# ТАФАККУР КАЛИТИ

*Мулоҳаза*

Турғунлик йилларида кўпчилигимиз европача турмуш тарзини юксак маданиятлилик белгиси деб тушунардик. Бу тушунча айниқса, шаҳарда яшовчи баъзи бир хонадонлар ҳаётига сингиб кетганди. Шундай хонадон аъзолари сўзлашишидан тортиб кийинишигача ўзга миллат қонун-қоидаларига амал қилар, ҳатто телевизорда бериладиган ўзбекча кўрсатувларни кўришни ўзларига ор деб билардилар. Табиийки, бундай оилаларнинг фарзандлари ўзбекона фазилатлар моҳиятини етарлича англаб ололмасдилар. Қон-қонимизга сингиб кетган ўзаро ҳурмат, эътибор, ота-онани иззатлаш, катта-кичикка ёрдам бериш, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш сингари кўплаб гўзал одатларимизни ўз она тилини яхши билмаган одам қандай қилиб ўзлаштиради, дейсиз? Хуллас, тилимизнинг қадри узоқ йиллар анча пасайиб қолгандек эди, назаримизда.

Истиқлол йилларига келиб, кўҳна анъаналаримиз тикланди. Тилимизга ҳам алоҳида эътибор билан қарай бошладик Бироқ ҳанузгача айрим кишиларимиз ўртасида тилимизга хориж сўзларини аралаштириб сўзлаш одати сақланиб қолган. Ҳатто бекатлардаги ёзувларда ҳам ғализликлар бор. Бир куни қўшнимизнинг қизи йўлда мени саволга тутди:

– Биз Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини ўқиганмиз. Шабаданинг маъносиниям биламиз. Лекин нариги кўчадаги бир кафе тепасига «Шаббода» деб ёзиб қўйилган. Сизнингча, бу икки сўзнинг қай бири тўғри?

Мен индамай туриб қолдим. Шунда фаҳмладимки, кўча-кўйдаги ёзувлар ҳам кишини тарбиялар экан. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкинми? Албатта. Мактабларда, лицей ва коллежларда она тилимизга бағишланган йиғинларни тез-тез ўтказиб туриш яхши натижа беради. Чунки тилни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш инсоний бурч саналади. Ер юзидаги барча халқларнинг ўз она тиллари бор, улар ўша тилда бемалол сўзлашишади. Демак, ўзбек тили бизнинг она тилимиз экан, фарзандларимиз бу тилнинг ранг-баранг қирраларини, мазмун-моҳиятини чуқур англамоқлари керак. Тил – тафаккур калити эканини ёддан чиқармаслик зарур.

«Она тилим – жону дилим» деб номланган йиғинларимизни ўқув даргоҳларида тез-тез ўтказиб борамиз. 21 октябрда ўтказилган «Тил-миллат қалби» деб номланган тадбир эса тилимизнинг қадр-қимматини кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзаро сўзлашувда қай сўзлар кўп ишлатилади, шу сўзларнинг синонимлари қандай айтилади, хуллас, тилимизни ривожлантиришга оид барча саволу жавоблар ўтказилаётган тадбирларимизда ўртага ташланади. Бу эса ёшлар саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Қаерда бўлмайлик она тилимизнинг софлиги учун қайғуриб, бу йўлда ўз саъй-ҳаракатларимизни аямаслигимиз лозим бўлади. Негаки, тил тақдири юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

**Мавлуда ЗАРИПОВА,**
**Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ўқитувчиси**

## КЎПГА МАНЗУР БУЮМЛАР

Илгари «Радиоэлектртехасбоб» деб номланган давлат концерни ўрнида юзага келган «Ўзэлектртехсаноат» республика уюшмаси ўн йил ичида янада мустаҳкамланди.

Ҳозир унинг таркибида шу соҳага оид 34 та корхона бор. Шулардан 12 таси чет эл капитали асосида бунёд этилди. Бу корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Ўзбеккабел», «Андижонкабел» каби корхоналар экспорт учун кўплаб маҳсулотлар етказиб бермоқда. Кабел маҳсулотлари, паствольтли аппаратлар, лифтлар, электрон техникалар, электротермик жиҳозлар ҳам харидоргир бўлиб қолди.

Жорий йилдан бошлаб экспорт қилинадиган маҳсулот турлари сони анчага ортди. Италия, Хитой, Россия каби мамлакатлар билан ҳамкорлик янада яхшиланди.

**А.АЛЛАЕВ**

# САРВИҚОМАТ ТУРНИРИ

Навоий шаҳрида 1990-94 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича "Сарвиқомат турнири" бўлиб ўтди.

Маълумки, ушбу спорт тури қизларнинг маънавий ва ташқи гўзаллигини ифода этади. Шу сабабли ҳам гимнастика спорт турига қизиқувчи ёшлар сони мамлакатимиз миқёсида ортиб бормоқда. Навоийлик Анастасия Beредская, Улиания Графикова, Юля Норова каби спортчилар халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган. Уларга муносиб издошлар бўлишни орзу қилган қирқ нафар ёш қизалоқлар Навоийда ўтказилган мусобақада ажойиб чиқишларни намойиш этишди. Мусобақа якунида, ғолиб ва совриндорлар медал ва дипломлар билан тақдирланди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

## Ўқинг, қизиқ!

***Бу йил Альфред Нобель томонидан унинг машҳур васиятномаси ёзилганига 110 йил тўлади (1895). Бу васиятнома бўйича у қолдирган маблағнинг асосий қисми жаҳондаги буюк олимларнинг илмий ишларини тақдирлашга мукофот сифатида сарфланиши керак. Энг муҳими шуки, бу мукофот тақдимотида миллий тафовутлар эътиборга олинмаслиги, олим скандинавияликми ёки йўқми деган муаммо қўйилмаслиги зарур.***

# НОБЕЛЬ ФАРҒОНАДА БЎЛГАН

Ҳар бир номинация бўйича энг кўпи билан 3 кишигача шу мукофотга лойиқ деб белгиланади ва ҳаёт бўлган шахсларга берилади.

Бу йилги Нобель мукофоти тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган ташкилот - БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда унинг сўнгги 9 йилдан бери раҳбари, асли мисрлик Муҳаммад ал-Барадейга бериладиган бўлди. Бу ташкилот ва унинг кўп йиллик раҳбари "ядро энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида максимал хавфсизлик билан фойдаланиш борасидаги ҳаракатлари учун" ушбу мукофотга лойиқ топилган. Мукофот бошқаларидан фарқли равишда Норвегия пойтахти Осло шаҳрида топширилди.

**Физиология ва медицина** соҳасидаги соврин австралиялик олимлар Берри Маршал ва Робин Уорренга бериладиган бўлди. Улар инсонларда ошқозон яраси (язва) ва гастритини келтириб чиқарувчи "Helicobacter pylori" бактериясини аниқладилар. Одатда бу касалликлар овқат (ёғлиқ, қовурма овқатлар), ейиш режими бузилганлиги билангина боғлиқ деб ҳисобланган бўлса, улар буни асосий сабаб эмас деб ҳисоблайдилар, шу бактерияларни махсус кимёвий препаратлар ёрдамида тугатилмаса, парҳез (диета) йўли билан касаллик тўла тузалмайди.

Олимларнинг бу янгилиги 1982 йилда кашф қилинган ҳамда инсон организмида синаб кўрилган ва маълум бўлишича, касал одамдан ҳатто ўпишганда ҳам юқиши мумкин экан. Бу ниҳоятда муҳим кашфиётдир.

**Физика** фани бўйича мукофот икки америкалик Рой Глаубер ва Жон Холл ҳамда немис Теодор Ханшга топширилади. Гарвард университети профессори Р. Глаубер нур заррачалари ҳаракати, яъни "хулқ-атвори"нинг назарий асосини изоҳлаб берганлиги учун шу совринга муносиб кўрилди. Бу тадқиқот 1963 йилда бошланган ва олим "нурнинг иссиқлик манбалари", масалан, электр лампочкаси каби умумий частота ва фазо қоришмасини берувчидан фарқ қилувчи ва аниқ маълум частота ҳамда фазани берувчи лазерлар ўртасидаги фундаментал фарқни тушунтириб берди. Ж. Холл (АҚШдаги Колорадо университети ходими) ва Т. Ханш (Мюнхен университети) атом ва молекулалардан нур спектрини катта аниқлик билан ўлчаш устида иш олиб боришган. Уларнинг кашфиёти "нур спектри частотасини 15 та рақамгача аниқлик билан ўлчаш имконини беради", бу амалиётда ўта аниқликда ишлайдиган соатларда қўлланилиши мумкин. Нобель фонди қарорига кўра, мукофотнинг ярмини Глаубер олади, қолган ярми эса икки олим ўртасида бўлинади.

**Кимё** соҳасидаги Нобель мукофоти америкалик Роберт Граббс (63 ёшда) ва Ричард Шрок (60 ёшда) ҳамда француз Ив Шовен (74 ёшда)га насиб этди. Улар бу совринга органик синтезда алмашув реакцияларининг янги усулларини ишлаб чиққанлари учун сазовор бўлишди. Олимларнинг бу тадқиқоти углерод молекулаларини қайта қуриш ҳамда янги кимёвий бирикмалар шаклланиши ва парчаланиши жараёнида ўз аксини топади. Тадқиқот натижалари фармацевтика ва янги синтетик материалларни яратишда катта аҳамиятга эга. Нобель фонди аъзоларининг фикрича, бу кашфиёт "яшил кимё" соҳасидаги буюк қадамдир. Ундан ташқари, бу олимларнинг илмий иши кимё саноатидаги хавфли чиқиндиларни анча қисқартиришга ҳам имкон беради. Мукофот уч олим ўртасида баб-баравар бўлинади.

**Иқтисодиёт** бўйича Нобель мукофоти исроиллик Роберт Оманн ва америкалик Томас Шеллинга насиб этди. Бу соврин олимлар томонидан "ўйинлар назариясининг таҳлили орқали ҳамкорлик ва келишмовчилик (конфликт)лар жараёнини тушунишга қўшган ҳиссалари учун" берилди.

1969 - 2005 йиллар давомида 56 нафар олим иқтисодиётга оид соврин соҳиби бўлишган. Бу совринлар ўртасида бирорта аёлнинг йўқлиги ажаблантирарли ҳолдир.

Жами эса 1901 йилдан буён 650 дан ортиқ олимлар ва жамоат арбоблари шу мукофот соҳиби бўлдилар.

Нобель мукофоти деярли юз йил давомида бир хил миқдорда бўлиб, 10 миллион швед кронаси ёки 1 миллион 280 минг АҚШ долларига тенг. Мукофотга номзодлар Нобель туғилган ой - октябрда маълум қилинади. Мукофотнинг ўзи эса Нобель вафот этган кун - 10 декабрда Швеция пойтахти Стокгольмда топширилади. Пул мукофотидан ташқари махсус олтин медал ва диплом ҳам берилади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш кераки, Нобеллар оиласини Россия ва ҳатто Ўзбекистон билан боғловчи ришталар мавжуд. Бу оила XIX асрнинг ўрталарида (1842 йили) Швециядан Россияга, аниқроғи Санкт-Петербургга кўчиб ўтди. Улар Россия ва Ўрта Осиёда нефть саноатини барпо қилиш ва ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшдилар. "Нефть ишлаб чиқариш бўйича ака-ука Нобеллар ширкати" ташкил этилди. Унинг бир бўлаги сифатида "Фарғона ойл" компанияси ҳам фаолият олиб борган. Октябр тўнтарилишидан сўнг, Нобеллар Швецияга қайтган, аммо Людвиг Нобель Россияда қолиш истагини билдирган, бу оиланинг беш вакили Санкт-Петербургда дафн этилган, мозори, қабр тоши сақланган.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**профессор**

***"Умид" болалар спорт мажмуасида стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган иккинчи Республика турнирида ўн икки нафар йигит-қиз "Соғлом авлод учун" кубоги ғолиблигини қўлга киритди.***

## ЖАМҒАРМА КУБОГИ ҒОЛИБИ

Ушбу турнирда республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан жами 56 нафар спортчи қатнашиб, икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашдилар. Қизғин кечган мусобақаларда кичик гуруҳдаги ўғил болалар ўртасида биринчи ўринни хоразмлик Сарвар Ражабов, қизлар ўртасида эса тошкентлик Нодира Бурхонхўжаева эгаллади. Катта гуруҳдаги ўғил болалар ўртасида юқори ўрин тошкентлик Евгений Грудскийга, қизлар ўртасида Ксения Рассказовага насиб этди.

Ўсмир ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, болалар ва аёллар спортини ривожлантириш бўйича жамғарма томонидан қатор дастурлар амалга оширилиб келинмоқда.

# БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

**Айиқ ва ғознинг ёғлари «тулки касаллиги»га, ғознинг ёғи эса юз ва лабнинг ёрилганига жуда фойда қилади. Товуқнинг ёғи тилнинг ғадир-будирлигига фойдалидир. Тоғ эчкисининг ёғи тиришиш касаллигига фойда қилади. Балиқ ёғи кўзга сув тушганида (катаракта) фойда бўлиб, асал билан қўшиб ишлатилса, кўзни ўткир қилади. Таканинг ёғини ишлатиб юрилса, ичак ачишганида ва ичакдаги яраларга фойда қилади.**

***

*Юз фалажига учраган кишининг юзини сирка билан доимо ювиб туриш, айниқса, ичига латифлаштирувчи дорилар солиб қайнатилган сирка ёки хордал эзиб солинган сиркани суриш фойдали тадбирлардандир.*

***

**Мўмиё бошнинг бир томон ярмининг оғриғига, совуқ бош оғриғига, тутқаноқ ва бош айланишига фойда қилади. Кулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридагисини гул ёғи ва ғўра узумнинг суви билан қўшиб пилик билан ишлатилади.**

***

*Қишда сабзавот каби қуввати оз нарсалардан ейилмаслиги, балки кучли овқат бўладиган донлардан ва жисми зич ва тиғиз нарсалардан ейилиши лозим. Қишда ейиладиган сабзавотлар — карам, лавлаги, петрушка, гулли карам, семизўт, сачратқи бўлиши керак.*

***

**Шолғомни қовуриб ёки қайнатиб еб туриш кўзни жуда кучли қилади, ҳатто илгаридан келаётган кучсизликни кетказади. Бошни тараш ҳам фойдали, айниқса кексалар учун. Ҳар куни бир неча марта тараш керак, чунки бу иш буғни кўз томонидан қўзғатиб юқорига тортади. Тиниқ сувга тушиш ва шўнғиб, мумкин бўлганида сувда кўзни очиб туриш, айниқса ёшлар учун, кўз соғлиғини сақловчи ва кўзни бақувват қилувчи тадбирлардандир.**

***

*Сут ичган киши тинч ҳолда туриши керак, акс ҳолда сут меъдада ачийди ва бузилади. Сутдан истеъмол қилгач, у то ўтмагунча ухламаслик, унинг устига бошқа овқат емаслик керак. Сут иссиқ мизожли ёшлардан кўра ёши улғайган кишиларга кўпроқ ёқади. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди. Сўнгра озиқлантиради ва баданга тарқалиб ич яна тўхтайди. Агар сут қайнатилмаса, у ични дам қилади.*

**Н.САЪДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - .

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 23456